

« ТАСДИКЛАЙМАН »

Кашкадарё вилояти
Миришкор

туман 2-сон касб-хунар мактаби



директори:

У.Тошпулатов

« 07 » сентябр 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

2022 ЙИЛ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танловниш тирокчилари учун йуриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархларқисми

ТАНЛОВ ИШТИРОҚЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1 Кашқадарё вилояти Миришкор туман 2-сон касб ҳунар мактаб ётоқхонасига чойшаблар жамламаси харид қилиш.

1.2 Танловнинг юқори қиймати – 100 000 000 (бир юз миллион) сум. Ушбу қуйматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди вақуриб чиқилмайди.

1.3 Хизматбуйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича қолиб чиққан бақарувчи ташқилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бақариш муддати: Қолиб булган қатнашчи билан шартнома имзоланган қундан бошлаб белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи утқазилган қундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШҚИЛОТЧИЛАР

2.1 Кашқадарё вилояти Миришкор туман 2-сон касб ҳунар мактаб (бундан кейин “Буюртмачи” дебаталади)—танлов ташқилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Кашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАҢЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакали талаблар қўйилади: ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомалла мавжудлиги ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ўхшаш объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги малумотномалар.

Низом маблағи миқдори

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАҢЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим.

Техник қисм “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни кўрсатган булиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар руйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

Такдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар булади.

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтириши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлишади.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича масъул.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги, тўғрилиги учун жавобгардир. Ғолиб иштирокчи аниқлангандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши мажбурдир.

6.4. Юкни етказиб бериш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган йўл транспорт ҳодисалари ҳамда юкка етказилган зарар хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қоплаб берилади.

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли (таварни ишни, хизматни, узгартиришларга йўл қўйилмайди).

Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни тақдим этиш тўғрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.